

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**89** Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

#### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг биометрик ҳужжатлар берганлик учун тушадиган бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 26-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун давлат божи суммасининг 60 фоизи миқдоридagi маблағлар Давлат персоналлаштириш марказининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига тушади;

б) Давлат персоналлаштириш марказининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига тушган маблағлар қатъий равишда мақсадли тартибда:

биометрик паспортлар ва биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари буклетларини сотиб олиш;

биометрик ҳужжатларни персоналлаштириш жараёнида қўлланиладиган ва биометрик ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлган импорт сарфлаш материалларини сотиб олиш;

ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш учун импорт эҳтиёт қисмлар сотиб олиш;

хорижий пудратчилар томонидан ускуналарга техник хизмат кўрсатиш

**89, 91-моддалар**

**— 64 —**

**9 (613)-сон**

ва биометрик паспорт тизимининг дастурий таъминоти қийматига ҳақ тўлаш учун фойдаланилади;

в) Давлат персоналлаштириш марказининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидаги маблағлар қолдиғи календарь йил охирида республика бюджети даромадига ўтказилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 24 февраль,  
37-сон